Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2018-yil 18-yanvar • payshanba • №8 (3981)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5303-сон Фармонига мувофиқ мамлакатга озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, айрим маҳсулот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда. Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охир-оқибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда;

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда;

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3386-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополист корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар биржа савдоларида реализация қилинади:

2 ▸

Биринчи Президентимиз таваллудининг 80 йиллиги ҳар томонлама муносиб нишонланади

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январ куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январ куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг ғоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга таранним этишдек улуғ мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

2 ▸

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби муҳокама қилинди

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 17 январ куни Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, йирик инфратузилма объектлари ва корхоналар барпо этиш жараёнига чет эл инвестициялари изчил жалб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олди.

Илгари ушбу соҳа раҳбарлари юқори рақамлар ортидан қувиб, инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кўрсаткичларни ошириб кўрсатишни касб қилиб олган эди. Бунинг оқибатида ҳокимликлар ва тармоқ раҳбарлари ушбу «юк»ни бажариш учун молиялаштириш манбаси кафолатланмаган ва ташаббускори аниқ бўлмаган, ҳудудлар ва тармоқлар ривожланишига мос келмайдиган самарасиз лойиҳаларни Инвестиция дастурларига киритишга мажбур бўлар эди.

Масалан, 2012-2017 йиллар давомида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан умумий қиймати 3,3 миллиард АҚШ доллари бўлган 14 та лойиҳа инвестиция дастурларига киритилган. Кейинчалик уларнинг барчаси мақсадга мувофиқ эмас деб топилган ва ҳукумат қарорлари билан тўхтатилган. Энг ачинарлиси, мазкур лойиҳалар ҳужжатларини тайёрлашга 185 миллион АҚШ доллари сарфланган.

2 ▸

Очиқ мулоқот

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси билан қўшма Қарор имзолаган эди.

Божхона бошқармасида ёшлар етакчиси иш бошлади

Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоят божхона бошқармасида Ёшлар иттифокининг бошланғич ташкилотини тузиш бўйича таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Ш.Сатторов, вилоят божхона бошқармаси бошлиғи М.Аманов ва бошқарманинг ёш ходимлари иштирок этди.

Тавсия этилган 3 нафар номзоддан энг кўп овоз тўплаган Бекзод Норов Ёшлар етакчиси лавозимига лойиқ, деб топилди.

Шундан сўнг, Ёшлар иттифокининг вилоят кенгаши раиси ва бошқарма бошлиғи билан ёш ходимларнинг очиқ мулокоти уюштирилди.

Аҳрор СОДИҚОВ

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛАДА БИР КУН

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини аҳли тадбиркорлиги билан ажралиб туради. Маҳалла кўчалари обод, саришта. 1 минг 212 хўжалик, 4 минг 700 дан зиёд аҳоли яшаётган ҳудудда ўнлаб савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тикувчилик цехлари фаолият юритмоқда.

— Ўтган йили ҳам ҳудуд фаровонлиги учун бир қатор ишларни амалга оширдик, — дейди маҳалла раиси Ғайрат Авазмуродов. — Хусусан, мактаб ва бошқа иншоотлар атрофига, кўча бўйларига 300 дан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 1,5 километрлик таъмирталаб йўлга шағал ётқизилди. Лотоклар ҳашар йўли билан лойқадан тозаланди. Ҳомийлар ва маҳалла фаоллари ёрдами билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон фуқароларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Маҳалла фаоллари ҳар бир хонадонга кириб аҳолининг яшаш тарзини ўрганиш, томоркадан унумли фойдаланиш ва уни даромад манбаига айлантириш, хонадонларда касаначилик, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган тарғибот ишларини доимий йўлга қўйган. Бунинг натижасида одамлар мўъжазгина ҳовлисини гуллатиб, яшнатиб қўйибди. Кимдир ихчам иссиқхона қурган бўлса, кимдир уйида тикувчилик цехи очган. Бошқаси бетон ғишт ишлаб чиқармоқда. Айни пайтда маҳаллада 10 дан зиёд

мана шундай тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Улардан бири «Мансуржон Аҳрор» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳрор Қодировдир.

— Фаолиятимизни 2008 йилда бошлаганмиз, — дейди Аҳрор ака. — Цехимизда асосан бетон ғишт ишлаб чиқарилади. 5 иш ўрни яратганмиз. Мавсум пайтида кунига 1,5 мингтагача бетон ғишт ишлаб чиқарилади. Ускуналаримиз бироз эски, шу боис энергия сарфи юқори. Яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, энергия тежамкор замонавий технологиялар келтиришни режалаштирганмиз. Бу цехимиз фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида уй шароитида касаначилик, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун ҳам шароит яратилган. Ҳозир бу ерда ўнлаб ҳунарманд аёллар уй шароитида ўзларига ўхшаган хотин-қизларни атрофига бириктириб, тикувчилик, тўқувчилик сирларини ўргатмоқда.

— Тикувчилик билан шуғулланаётганимизга 10 йилдан ошди, — дейди «Шерматова Мадина Мухторовна» оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари Мадина Шерматова. — Аввалига якка тартибда фаолият юритдим. Кейинчалик буюртмалар кўпайгач, оиламдагиларни кўмакка чақирдим ва оилавий тадбиркорга айландик. Айни пайтда буюртмага қараб 3-4 турдаги эркаклар кийими тикамиз ва ички бозорга чиқарамиз. Тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланамиз. Орттирган даромад ҳисобига сўнгги русумдаги 5 тикув машинаси харид қилдик. Бу эса маҳсулотларимиз сифатини янада оширди. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада бир кунимиз мана шундай ўтди. Қайси хонадонга кирманг, бир ўзгариш, янгиликнинг гувоҳи бўласиз. Одамлар бугунидан, ҳаётидан мамнун, эртанги кунга ишончи мустаҳкам.

Ў.БАРОТОВ,
ЎзА муҳбири.
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

◂1

экстракцион бензин, мис катоди, мис катанкаси, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озуқаси учун буғдой — фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари хулосасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга;

техник чигит — фақат мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган ва ушбу уруғликни ишлаб чиқариш жойида жойлашган «Ўзпахтаёғ» АЖнинг ёғ-мой корхоналарига;

б) қуйидагилар, истисно тарикасида, белгиланган нархлар асосида

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади:

автомобил бензини — бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига;

дизел ёқилғиси — бюджет ташкилотлари, давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва ғалла етиштириб берувчи фермер хўжаликлари, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ, маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича давлат корхоналарига;

кўмир — бюджет ташкилотлари, аҳоли ва «Ўзбекэнерго» АЖ корхоналарига;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мўлжалланган пахта ёғи — 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улгуржи ва чакана корхоналарга, давлат стратегик захирасини шакллантириш учун – белгиланган нарх бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитасига;

в) пахта толаси уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдолари орқали, «Давлат белгиси» ДИЧБ, «Ўзпахтасаноат» АЖ ва Ўзбекистон кўрлар жамияти корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларига технологик эҳтиёж ва мавжуд ишлаб чиқариш қуввати доирасида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади;

г) пахта чигити шелухаси ва шроти амалдаги биржа устамалари ва ҳажмларни тақсимлаш тартиби сақланган ҳолда биржа савдоларида реализация қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда юқори ликвидли маҳсулот турларини реализация қилиш бўйича товар-хом ашё биржалари фаолиятининг ўрганилишини, нархлар асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, иштирокчиларнинг биржа савдоларида эркин қатнашишини таъминлаш, биржа савдоларининг электрон тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этсин.

4. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси тугатилиб, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олиш буюртмаларини кўриб чиқиш муддати 20 кунгача қисқартирилади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда мурожаат қилувчининг устав фондига қўйилган талаб буюртма тақдим этилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорини ташкил этади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаларини бериш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ишчи лойиҳа тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун давомида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришнинг янгиланган тартиби ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

5. Маҳаллий корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш тартиби бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Бош прокуратура, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда норуда фойдали қазилмалар конларидан фойдаланилишини танқидий ўрганган ҳамда қуйидагиларни ҳам назарда тутган ҳолда уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритсин:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш орқали, шу жумладан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини камайтириш йўли билан харажатларни оптималлаштириш;

муқобил қум-шағал конларини тез суръатларда қазиш ва ўзлаштириш;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон қарори иловасининг 1-бандида кўрсатилган табиий газ истеъмолчи ташкилотларга нисбатан табиий газни реализация қилишда нарх белгилашнинг алоҳида тартиби татбиқ этилмайдиган истеъмолчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффициент қўлланилган ҳолда тўлаш тартиби 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлади.

«Ўздавэнергоназорат» ва «Ўздавнефтгазинспекция» давлат инспекциялари, «Энергия тежаш миллий компанияси» АЖ «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 15 февралга қадар муддатда корхоналарга улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартибининг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминласин.

8. «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2-иловага мувофиқ қурилиш материаллари асосий турларини ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда талаб юқори бўлган, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин.

10. «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларнинг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ва янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида уларни бош пудрат ташкилотларига реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни бош пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади;

«Ўзсаноатэкспорт» АЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда берилган божхона тўловларини ва уларни «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖга реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тарзидаги имтиёзлар ушбу қарор қабул қилинган кунга қадар имзоланган импорт контрактларига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан биргаликда ўн кун муддатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар импортини молиялаштириш манбалари ва механизмлари бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, реал вақт режимида «қурилиш материалларини қазиб олиш — ташиш — сақлаш — қайта ишлаш — ишлаб чиқариш — реализация қилиш» занжири бўйича жараённи кузатиб бориш имконини берувчи Идоралараро ҳамкорликнинг ягона интеграциялашган ахборот тизими жорий этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 17 январ

Биринчи Президентимиз таваллудининг 80 йиллиги ҳар томонлама муносиб нишонланади

◂1

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намоён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай қутлуғ саналар ўз тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлиғини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуғ инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев, Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нуронийлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларни мазмунли ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тадбирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

ЎзА

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби муҳокама қилинди

◂1

Инвестиция дастурларини шакллантириш ва лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш борасида ҳам қатор муаммолар бор. Бу жараён 15 йил аввал қабул қилинган қарорларда белгиланган мезон ва тартиблар асосида амалга ошириб келинган. Жумладан, лойиҳанинг техник иқтисодий асослари, бизнес режаси ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилгандан сўнг ваколатли органлар билан такрор ва такрор келишилиши оқибатида унинг экспертизаси белгиланган 15 кун ўрнига 6 ойгача чўзилиш ҳолатларига кўп маротаба йўл қўйилган. Бу инвестиция лойиҳасининг қиймматлашиши ва рентабеллиги пасайишига олиб келган.

Маълумки, инвестиция дастурларига иқтисодий асосланган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлган лойиҳалар киритилиши зарур. Лекин илгари бундай ҳужжатлар лойиҳа инвестиция дастурига киритилгандан сўнг тайёрлаб келинган. Оқибатда лойиҳанинг дастлабки нархи ва тасдиқланган қиймати ўртасида баъзи ҳолларда ҳатто 80 фоизгача тафовут юзага келган. Бу бюджет маблағлари сарфи асоссиз равишда ошиб кетишига сабаб бўлган.

Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида кўплаб корхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарарлар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банклар балансига бериш амалиётига чек қўйилди.

Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган — хомашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган.

Яна бир камчилик: ўз вақтида бажарилмагани ёки ижроси чала бўлгани учун айрим лойиҳалар йилдан йилга, дастурдан дастурга ўтиб келган. Масалан, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказини лаборатория билан жиҳозлаш лойиҳаси дастлаб 2015 йилда, кейинчалик 2016 ва 2017 йилларда инвестиция дастурларига такроран киритилган.

Президентимизнинг 2017 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори юқоридаги каби таҳлиллар натижасида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, мамлакатимизда тармоқ ва ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларни уч босқичда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Биринчи босқичда Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Ушбу Концепция тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини амалга ошириш бўйича стратегик вазифаларни ўз ичига олган ҳужжат бўлади.

Иккинчи босқичда Ривожланиш концепцияси асосида мақсади ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган 3 йиллик, яъни 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳалар портфели шакллантирилади. Ушбу лойиҳалар Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари билан келишилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида экспертизадан ўтказилади. Ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича батафсил календар режаси ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда тасдиқланган 3 йиллик лойиҳалар портфели асосида Ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш талаб этилади.

Бундан буён Ривожланиш давлат дастурларига фақат дастлабки техник-иқтисодий асослари ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган лойиҳалар киритилади, дея алоҳида таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг жорий йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат харидларини амалга ошириш, давлат дастури доирасидаги ҳужжатларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича комплекс экспертизанинг самарали тизимини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори соҳага оид яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Унга мувофиқ, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузурида Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази ташкил этилди. Эндиликда лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва импорт шартномалари ушбу марказда экспертизадан ўтказилади.

Янги тартиб бўйича ишлар давом этаётгани боис 2018 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳалари, истисно тарикасида, Президент томонидан тасдиқланадиган Инвестиция лойиҳалари рўйхати асосида амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари тажриба тариқасида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида лойиҳаларни энергиятежамкор, замонавий қурилиш ва енгил конструкцияли материаллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш орқали уларнинг қийматини 20-30 фоизга арзонлаштириш амалиётини жорий этишни таклиф қилди.

Иқтисод қилинган маблағлар тўлалигича мазкур лойиҳа жойлашадиган шаҳар ёки туман ихтиёрида қолади ҳамда ушбу ҳудуднинг ижтимоий ва коммунал соҳа масалаларини ҳал этишга йўналтирилади, деди Президентимиз.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технологик асосланган ҳолда ишлаб чиқишда лойиҳа институтларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалдаги лойиҳа ишларини бажариш қоидалари ўтган асрнинг 60-70-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайди. Шу пайтгача хорижий консультантларни жалб этган ҳолда бирорта ҳам янги лойиҳа институти яратилмаган. Ҳудудларда бугунги талабларга жавоб берадиган лойиҳалаштириш ташкилотлари йўқ.

Ҳозирда лойиҳалаштириш институтларининг асосий мақсади лойиҳа қийматини баланд қилиб кўрсатиб, ундан тегишли юқори фоизли фойда олиш бўлиб қолган. Бугун буларнинг барчасига барҳам берадиган вақт келди, деди Шавкат Мирзиёев. «ЎзИнжиниринг» лойиҳалаштириш ташкилоти иқтисодиётнинг базавий тармоқларини лойиҳалаштиргани каби, қолган хўжалик бирлашмаларида ҳам ҳудди шундай мутасадди юқори малакали мутахассисларга эга бўлган ихтисослашган лойиҳа институтлари бўлиши керак.

Маълумки, лойиҳани амалга ошириш гуруҳларига тўланадиган ойлик харажатлари лойиҳанинг умумий қийматидан олинади. Яъни ушбу гуруҳлар муайян лойиҳани қанчалик кеч ишга туширса, шунча кўп манфаат кўради. Бу эса, ўз навбатида, лойиҳа нархининг сунъий равишда ошишига олиб келади.

Йиғилишда лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштириш, янги лойиҳа институтларини ташкил этиш, қурилиш-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза қилишнинг мутлақо янгича механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Илгари қарз, кредит ва грант маблағларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича идораларарo кенгаш томонидан ташкил этиларди. Бу ваколатли давлат органларининг масъулияти ва ташаббускорлигини пасайтириб, ортиқча бюрократик тартиб-таомиллар ва харажатларга олиб келарди.

Президентимизнинг 2017 йил 20 декабрдаги «Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида давлат бошқаруви органларининг етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди. Барча даражадаги ҳокимликлар ушбу давлат органлари билан биргаликда иш олиб боради.

Бундан кейин Инвестиция дастури каби Ривожланиш давлат дастурига ҳам пухта ишланмаган, молиявий манбаси ва эгаси аниқ бўлмаган, фақатгина битимларда қолиб кетадиган лойиҳаларни киритиш амалиёти такрорланса, тегишли раҳбарлар қонун олдида жавоб беради.

Йиғилишда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Тадбир

Фармон тарғиботи

Президентимизнинг «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармони қонунчиликда белгиланган дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида фуқароларга тўлиқ ва фойдали дам олиш учун қўшимча шароитлар яратилишини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги Тошкент ва Тошкент вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ушбу фармон тарғиботига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда мутасадди ташкилотларга дам олиш байрам кунларининг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилиши ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этиш вазифаси топширилгани, унинг ижросини қисқа муддатларда таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури ишга туширилгани алоҳида таъкидланди.

Семинар якунида касаба уюшма ташкилотлари томонидан жорий йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун қўшимча шароитлар яратиш ва дам олиш, байрам кунларидан оқилона фойдаланиш, ички туризмни янада ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар қабул қилинди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган семинардан кўзланган асосий мақсад ҳам дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида меҳнат жамоаларини мамлакатимизнинг тарихий-маданий бойлиги, диққатга сазовор гўшалари билан яқиндан танишиш учун яратилган имкониятлардан фойдаланишга тарғиб этиш, «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги Фармондан келиб чиқадиган тавсия ва чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Мазкур фармон қонунчиликда белгиланган дам олиш ва ишланмайдиган байрам кунларида фуқароларга тўлиқ ва фойдали дам олиш учун қўшимча шароитларнинг яратилишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Семинарда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари, фаолларга ўз меҳнат жамоаларида мазкур фармон мазмун-моҳиятини тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш бўйича тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

Ғулом ЖУМАБЕКОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Таълим



Очиқ дарс

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 256-мактабда «Тарих ва ҳуқуқ фани ойлиги» бўйича очиқ дарс кунлари ташкил этилди.

Тадбирга тумандаги барча мактаблардан тарих фани ўқитувчилари таклиф этилиб, синфларда очиқ дарслар уюштирилди.

Хусусан, 6-«Г» синфи ўқувчилари учун «Антик даврнинг бошланиши», 7-«Б» синфда «Марказий Осиёлик мутафаккирлар. Илм-фаннинг ривожланиши», 8-«А» синфда «Инсонни англаш», 10-«Б» синф ўқувчиларига «Совет ҳокимиятининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати: Унинг моҳияти ва оқибатлари» мавзуида очиқ дарслар ўтказилди.

— Фан ойлиги доирасида ташкил этилган дарсларнинг замонавий инновацион усуллардан фойдаланишга катта аҳамият каратамиз. Бу усул эса ўқувчиларнинг тарих ва ҳуқуқ фанларига қизиқишларини янада оширишга хизмат қилмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими ижтимоий фанлар услубчиси Наргиза Рустамова.

Ташкил этилган бугунги очиқ дарсларда ҳам инновацион усуллардан кенг фойдаланилди.

Икром ҲАСАНОВ,
«Ishonch» мухбири

Учрашув

Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари томонидан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган долзарб масалаларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Атрофлича тушунча берилди

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик Акмал Саидов ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори, академик Раъно Убайдуллаева ўқувчиларга юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, сиёсий жараёнлар ва ёшларга берилаётган кенг имкониятлар хусусида атрофлича тушунча ҳамда турли масалалар бўйича қимматли маслаҳатлар беришди. Президентимизнинг Мурожаатномаси мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Тадбир ўқувчи ёшлар ўртасида ўзаро билим алмашиш, ўз конституциявий ҳуқуқларини яхши тушуниб етиш, фаол бўлиш ҳамда мустақил фикрлашга ундовчи баҳс-мунозара тарзида ўтказилди.

— Бугунги учрашув ўқувчиларимиз дунёқараши кенгайиши, ҳуқуқий саводхонлиги ошишига хизмат қилади, — дейди ҳуқуқ ва махсус фанлар кафедраси мудири Феруза Лутфуллаева. — Ўқувчилар учун Ички ишлар академияси ҳамда Тошкент давлат юридик университетида очиқ эшиклар куни ташкил этилган. Лицейимизда «Устоз-шогирд» анъаналари яхши йўлга қўйилган. Академикларимиз таъкидлашганидек, фақат яхши ният, шахдам қадамлар билан олға интилиш керак! Лицейимизда таълим олаётган 400 нафар ўқувчи келажакда Ватанимизнинг ҳақиқий тиргаклари бўлишига ишонамиз.

— Тадбирда ўртоқларим билан энг долзарб муаммолардан бири — Орол денгизи мавзусига бағишланган саҳна кўринишини ижро этдик, — дейди лицейнинг 2-боскич ўқувчиси Мирсардор Чориев. — Халқ қабулхоналари ташкил этилганлиги, кўплаб муаммолар ечим топаётгани, эзгу ишлар рўёбидан жуда хурсандмиз.

Ўтган йили декабр ойида Сергели туманида ўтказилган «Китобхонлик» танловида ижтимоий фанлар бўйича ғолиб бўлдим. Яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиб, юртимизнинг муносиб фарзанди бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ўқувчилар томонидан ижро этилган саҳналаштирилган томоша тадбирга файз бағишлади.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Семинар

Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ва цех касаба уюшма раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасининг ёш мутахассислари ёшлар етакчилари ва касаба уюшма фаоллари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Маҳорат, изланиш, синов

Тадбир асноси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва қонун ости меъёрий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг 2017 йил 20 ноябрдаги «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти юзасидан батафсил тушунчалар берилди.

Жумладан, ходимларнинг иш жараёнидаги хавфсизлиги, меҳнат қобилиятини сақлашга қаратилган тадбирлар тизими, касаба уюшмаларининг давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган Форумда белгилаб олинган вазифаларга мувофиқ тарзда олиб борилмоқда.

Муносиб меҳнат шароити яратиш учун асос бўлган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ижроси таъминланаяпти. Соҳага оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ҳам фаол қатнашмоқда. Меҳнат муҳофазаси йўналишида ишларнинг такомиллашиб бораётгани, қонунчиликнинг мустаҳкамлангани боис ушбу масалага эътибор ҳам сезиларли даражада кучайди.

Дарвоқе, касаба уюшмалари томонидан «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови»нинг вилоят босқичини ўтказиш юзасидан «Энг яхши бошланғич ташкилот», «Энг яхши касаба уюшмаси қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» ҳамда «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича 35 ёшдан ошмаган ёш мутахассис» каби тўртта йўналиш бўйича беллашувлар ташкил этилмоқда.

Ғолиблар касаба уюшмаларининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Реклама

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай тумани ва Зангиота туманларида туман захира ерлари ҳисобига олинган қуйидаги «Ўзумор»лар ва «Ўзумор»лар кўйилмоқда:

1.Тошкент вилояти Қибрай тумани «Кибрай ОАЗИС» СИУ ҳудудида жойлашган «QIBRAY-BOG'ISHAMOL» ф/х балансидаги 18,18 га ер майдонида жойлашган «Боғзор» ва темир устунларга бириктирилган сеткадан иборат мулкий мажмуа, бошланғич баҳоси — 347 420 000 сўм.

2.Тошкент вилояти Зангиота тумани М.Улуғбек массиви ҳудудида фаолият юритаётган «KLIM AGRO BIZNES» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган 86-контурда қисман жойлашган жами 4,10 га, шундан 4,0 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 12 172 336 сўм.

3.Тошкент вилояти Зангиота тумани М.Улуғбек массиви ҳудудидаги «ALPOMISH OMAD FAYZ» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган 80-контурда қисман жойлашган жами 2,86 га, шундан 2,72 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 8 490 947 сўм.

4.Тошкент вилояти Зангиота тумани М.Улуғбек массиви ҳудудида фаолият юритаётган «XASANOVA MADINABONU AGRO» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган 86к.87-контурларда жойлашган жами 4,77 га, шундан 3,54 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 14 161 474 сўм.

5.Тошкент вилояти Зангиота тумани А.Икромов массиви ҳудудида фаолият юритаётган «BAXTIYOR BEXZOD AGRO EXPORT» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 5,86 га, шундан 1,60 га ер майдонида жойлашган «Боғзор» ва 1,09 га ер майдонида жойлашган «Ўзумзор» бошланғич баҳоси — 3 491 439 сўм.

6.Тошкент вилояти Зангиота тумани А.Икромов массиви ҳудудида фаолият юритаётган «SHOIRA MEHNAT AGRO» ф/х дан туман захира ерлари ҳисобига олинган жами 6,17 га, шундан 2,02 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 3 038 418 сўм.

Қибрай тумани бўйича очиқ аукцион савдоси 2018 йил 19 феврал куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Миробод тумани Авлиё ота кўчаси 13-уйда бўлиб ўтади. Зангиота тумани бўйича очиқ аукцион савдолари 2018 йил 19 феврал куни соат 15:00 да Зангиота туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади. Мазкур объектлар сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 6 март, 22 март кунлари соат 11:00 да ва 15:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳри Миробод филиалидаги 20208000804876496001 ҳисоб рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

- жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади ва такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензиялланган. RR-№0008.

Яхшилик

Бор бўл, оқибат!

Республикамизнинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маиший шароитини яхшилаш, уй-жойларини таъмирлаш, саломатликларини тиклаш борасида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шундай хайрли тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ташкил этилиб, боқувчисини йўқотган, ижтимоий-иқтисодий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд 111 нафар фуқарога кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари тақдим этилди.

— Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан аҳолининг барча қатламига эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ногиронлиги бўлган ва эҳтиёжманд оила вакилларининг қўллаб-қувватланиши уларнинг ҳаётга бўлган иштиёқини оширишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Шуҳрат Маҳмудов. — Касаба уюшма фаолларининг уйимизга келиб ҳол сўраб, бизга Президентимиз томонидан совға берилишини айтишганида ич-ичимдан қувондим, шундай юртда яшаётганимдан фахр ҳиссини туйдим.

— Ҳаётнинг машаққатли синовларини енгиш баъзан кишини жуда толиқтириб қўяди, — дейди Феруза Йўлдошева. — Шундай вақтда ёнингда бир кўмакчига муҳтожлик сезасан. Бугунги кунда касаба уюшмалари том маънода халқимизнинг кам-кўстини бартараф этиш, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Биргина Юнусобод туманида эмас, республикамизнинг барча ҳудудида аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ҳаракатлар тинимсиз давом этмоқда.

Ушбу йўналишдаги ибратомуз тадбирлар юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Меҳнат муҳофазаси

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ ПОЙМОЛ ЭТИЛСА

касаба уюшма фаоллари кўмакка тайёр

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2016 – 2018 йиллар учун мўлжалланган Бош келишув барча соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаати, меҳнат ҳуқуқлари билан биргаликда, улар меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш ўринларини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Бош келишув ва тармоқ келишувларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан вазирлик, идора ва компаниялар томонидан қатор самарали ишлар олиб борилаётир.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда вазирлик, идора ва компаниялар ўртасида «Меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш» бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг амалга оширилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Меҳнат муҳофазаси масаласига алоҳида эътибор қаратиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги стратегиясини ўз корхоналарида яратиш иш берувчи ва касаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда ҳар бир ходим онгига хавфсиз ишлаб чиқаришга дахлдорлик ҳиссини сингдириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазасини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, анъанавий тизимдан самарали тизимга, яъни касбга оид хавф-хатарни баҳолаш, бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган манбаларни аниқлашга эришиб, уларнинг бартараф этилишини таъминлаш лозим.

Агросаноат мажмуи соҳасида содир бўлган ва бўлаётган бахтсиз ҳодисалар таҳлил қилинганда, корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан меҳнатда жабрланган ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмаслик ҳолатларига гувоҳ бўлинмоқда.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятидаги Жейнов пахта тозалаш корхонаси ишчиси Отабек Саидов 2013 йил 19 мартида пахта хомашёсини қайта ишлаш цехида иш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли оғир тан жароҳатини олган. Содир бўлган бахтсиз ҳодиса Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси томонидан тузилган комиссия иштирокида ўрганиб чиқилиб, махсус текшириш далолатномаси тузилади. Комиссия томонидан берилган таклифлар ва тегишли Низом талабларига асосан, корхона раҳбари 3 кун давомида Н-1 шаклидаги далолатномани тўлдириб, жабрланган ходимга тақдим этиши лозим эди. Лекин бу талаб бажарилмади.

2017 йил 20 ноябрида фуқаро О.Саидов ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси номига Жейнов пахта тозалаш корхонаси раҳбарияти томонидан у билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмасдан келинаётганлиги ва унинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида мурожаат қилган. Мазкур ҳолат юзасидан Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими ва Қашқадарё вилояти Бандлик бошқармаси мутахассислари ҳамкорликда корхона раҳбарига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ тақдимнома киритишди ва натижада фуқаро О.Саидов билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса юзасидан ўтган йилнинг 27 ноябрида Н-1 далолатномаси расмийлаштириб берилди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти Чиноз тумани А.Исломов кўчаси 20-уй 3-хонадонда яшовчи касб касаллиги бўйича 2-гуруҳ ногирони фуқаро Актам Нурмурадов кўп йиллар давомида Чиноз пахта тозалаш корхонасида механик бўлиб ишлаб, касб касаллигига учраган. А.Нурмурадов ўтган йил 29 ноябр куни Чиноз пахта тозалаш корхонаси томонидан касб касаллиги туфайли белгиланган ойма-ой зарар тўловларидан июн-декабр ойлари учун 7035195 (етти миллион ўттиз беш минг бир юз тўқсон беш) сўм тўланмасдан келинаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасига мурожаат қилган. Ушбу мурожаат ҳам Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилганда, корхона раҳбарияти зарар тўловларини ҳозирда тўлаб бериш имконияти йўқлигини рўкач қилиб, тўлашни рад этгани маълум бўлди. Корхона раҳбарияти билан олиб борилган музокаралар натижасида фуқаро А.Нурмурадовга зарар тўловлари тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Албатта, корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларининг тўғри ва намунали ташкил этилиши иш самарадорлиги ошиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ҳамда касб касалликларига чалинишлар камайиши ва корхоналарнинг барқарор фаолият юритишига олиб келади.

Х.УМАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Омон бўлинг, муштарий

Публицистика

Ватан, айланайин тупроқларингдан!

Ўзбекистон деганда жоним ичида бир сеҳрли қўнғироқ жаранглайди. Юртимиз мустақилликка эришганда мен тўрт ёшда эдим. Истиқлол билан бирга улғая бордим. Ўзимнинг уйим, ўзимнинг кўчам, ўзимнинг маҳаллам, ўзимнинг мактабим, ўзимнинг китобим ва ўзимнинг дўстларим дея қадр қиладиган ва қадр биладиган даражага етдим.



Биринчи марта қўлимни кўксимга қўйиб Ватан мадҳиясини ижро этганимда бутун борлиғим ларзага тушганлигини ҳеч унутолмайман. Биз болалар Мустақиллик дарслари орқали мамлакатда бўлаётган буюк ўзгаришлар ўсиб келаётган авлодга хизмат қилишини англаганимиз сари ушбу муқаддас заминга меҳр-муҳаббатимиз ҳам ортиб бораверди.

Бугун ўзим ҳам онаман. Жажжи қизалоғимга жонажон Ватаним ҳақида ҳикоялар, шеърлар ўқиб бераман. У ҳали жуда ёш, лекин Ватан туйғусини жон-жаҳди билан англашга интилади. Худди ўзим каби ўзимизнинг уйимиз, ўзимнинг гулларим, дафтарларим, қушларим дейди.

Улуғ ёзувчи Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асарини, албатта, сиз ҳам мутолаа қилгансиз. Ундаги Зеби худди менинг дугонамга ўхшайди. Йўқ, аччиқ қисмати, бахтсиз тақдири билан эмас, балки мен билан баробар ёшда эканлиги билан ҳам менга ўхшайди. Тафовутни қарангки, мен олий ўқув юртларини тугаллаб, халқаро журналист мутахассислигига эга бўлдим. Зеби эса гулдек гўзаллиги, қўнғироқдек овози, гўзал орзулари билан тўрт девор ичида қолди. У ҳатто ўзини химоя қилишни ҳам билмайди, ҳатто савод ҳам чиқармаган. Содда, беғубор қизнинг умри коронғу кечаларда йўқликка юз тутди...

Бугун биз бошидан сув ўтириб ичса арзигулик ўхшаши йўқ Ватанда яшамоқдамиз. Ҳамма нарса муҳайё. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувдаги маърузасида биз ёшлар ҳақида алоҳида тўхталиб, адабиёт, театр ва кино, мусиқа ва тасвирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари учун Ўзбекистон ёш ижодкорларининг семинарини ташкил этиш масаласини ўртага ташлаганларида қанчалар қувонганимни таърифлаб беролмайман.

Бу ижодий анжуман ёшларимизни маҳорат сирларига ошно қилиш билан бирга, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳам қарор топтиришга хизмат қилган бўларди, деб таъкидладилар Давлатимиз раҳбари. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини алоҳида бино билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ечимини топди.

Она Ўзбекистонимизда ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида бўлаётган улкан ўзгаришлар мендек ёшлар учун фахр ва ҳайрат мактабидир. Она ўз боласини ўзига хос муҳаббат билан яхши кўрганидек мен ҳам ўз она Ватанимни фарзандлик муҳаббати билан ўзимгагина хос бокира туйғулар билан яхши кўраман.

Менинг мустақил, ёш, навқирон Ўзбекистоним ўз Конституциясига, унинг 5-моддасида белгиланган давлат рамзлари — ўз байроғи, герб ва мадҳиясига эга.

Ҳар тонг давлат мадҳиямиз бизни уйғотиши, мусаффо осмонимиз кўксида байроғимизнинг улуғвор ҳилпираб туриши, бу халқимизнинг битмас-туганмас бойлиги, асрий армонлари рўёбидир.

Юртимизнинг қон томирлари бўлган кўнгилни равшан, узоғимизни яқин қилувчи йўллардан юрганимда кўксим фахр-ифтихорга тўлиб кетади. Тошкент — Қарши, Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Бухоро йўналиши бўйлаб бораётган энг замонавий поездларимиз, ажойиб темир йўл вокзаллари, аэропортлар юртимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳларни-да ҳаваслантираётгани бежиз эмас. Ўзимизда ишлаб чиқарилган кўчаларни тўлдириб юрган машиналаримизни айтмайсизми?!

Истиқлол қуёши ҳар дақиқа, ҳар он нурларини бошимиздан сочиб турибди. Истиқлол бизга ўзимизни англаш имкониятини берди:

«Бир ўлкаки боғларида шивирлар баҳор, Бир ўлкаки сал кўрмаса қуёш соғинар», деб ёзган эди улуғ шоиримиз Ойбек. Чиндан онажон Ватанимиз таърифи шеъру достонларга сиғмайди. Унинг бир ҳовуч тупроғи кўзга тўтиё. Мен уни кўзимга суриб: Ватан, айланайин тупроқларингдан, дегим келади…

Нозима УМАРОВА

Мулоҳаза

ФИДОЙИЛИК БИЛАН ЖОНФИДОЛИК:

бу тушунчалар ўртасидаги фарқни унутмадикми?

Бугун нимагадир баландпарвозликка одатланиб қолдик. Баъзан эса ким ўзарга ўйнагандек шу қадар таърифу-тавсифларга берилиб кетамизки...

Камчиликни баратараф қилгандан унинг олдини олган афзал, дейишади. Тегишли ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллалар ҳаётини ўрганиш давомида қанчадан-қанча аҳоли қатламининг муаммолари аён бўлди. Ҳатто туғилганлик гувоҳномаси йўқ, шу сабаб на мактаб, на боғчага бормаётган болалар, ҳеч ким борлигини ҳам билмаган, аммо сизу биз яшаётган маҳаллада истиқомат қилаётган ногиронларни «сезиш»га муваффақ бўлдик. Бу, аслида, ютук ёки ҳисобот тўлдириш шакли эмас, балки ўтган йилларда амалда қилинмаган, қоғозбозлик билан яширилган камчиликларимиздир. Ачинарлиси, унда ҳаммамизнинг ҳиссамиз бор. Уларнинг амалга ошишида бевосита иштирокчи бўлмагандирмиз, аммо бемаврид СУКУТимиз билан ҳисса қўшганимиз бор гап.

Келинг, кундалик ҳаётимиздаги айрим муаммоларни таҳлил элагидан бир ўтказайлик: ўз ишингиз (ўқиш ёки ҳунарингиз)ни бажаришда доимо ҳалоллик мезонига таяняпсизми? Атрофингиздаги одамларга эътиборли ва даврадошларингизга нисбатан масъулиятни ҳис қиласизми? Зеро, ижтимоий ҳаётимиз мунтазам қандайдир давралар (ишда ҳамкасблар, оилада қариндошлар, кўча-кўйда танишлар, боғчада ёки мактабда фарзандингизга ўртоқ бўлганларнинг ота-оналари ва ҳоказо давралар) қуршовида кечади. Айни шу гуруҳларда ўз масъулиятингизни билиш ва уни ҳис қилиш фидойилик томон илк қадамдир десам, муболағага йўйманг. Мулоҳаза қамровини кенгроқ олсак, муддао ойдинлашади. Бир танишим вилоят марказига тумандан қатнаб ишлайди, кунлик узоқ йўл, таассуротлар ҳам шунга яраша. Бир куни кечки пайт одатича бекатга борибди. Йўл четида қайфи ошиб қолган ўрта ёшлардаги эркак узала тушиб ётганмиш, ёнида 7-8 ёшлардаги ўғилчаси дада деган зотни нима қилишни билолмай кўзлари мўлтираб турганмиш. «Бир бекат одам, бирортаси болага қарай демайди, — ҳикоя қилади танишим. — «Ўғлим, уйинг қаерда?» деб сўрасам, елка қисади. Киракашлар: «Опа, бу киши фалон қишлоқдан», дейишди. Ўша қишлоққа борадиган биттасига: «Ука, шу боламни олиб бориб, уйига ташлаб қўйинг, йўл ҳақини мен бераман», дедим. Атрофдагилар ҳайрон бўлиб, «бу бола сизга бирор кимми?» деб сўрашади. «Менга-ку ҳеч киммас, аммо куннинг совуғида гўдакни кўчада қолдириб бўладими? Дадаси қайфи тарқалса, йўлини топиб олар, аммо болани бундай хор қилиш яхшимас», дедим. Болани жўнатгач, кўнглим хотиржам тортди-ю, бироқ шунча пайтдан бери одамларимизнинг унга эътиборсизлик қилганидан ранжидим. Худо кўрсатмасин, бирор кўнгли қора кимса шикаст етказса, нима бўларди? Ёрдам сўраб, давлат идоралари эшигини тақиллатамиз. Вақтида ҳушёрликни қўлдан бермасак, қанча-қанча жиноятлар содир бўлмайди, бу дегани бюджетнинг (яъники мен ва сизнинг) маблағимиз бошқа хайрлироқ ишларга йўналтирилади-ку!» Ўринли мулоҳаза. Керакли ишни ўз вақтида қилиш билан ўлчанмайдими, ахир, фидойилик!

«МЕНГА МУМКИН!»

Болаларимни олиш учун боғчага бордим. Кийим алиштириб турсак, хонага икки она кириб келди. Қизиғи, кийим алиштириш хонасига қадар, учта хонадан ўтиб келадиган масофага иккиси ҳам этигини ечмай кириб келишганди. Бу, биринчи навбатда, болажонларнинг саломатлигига бепарволик, қолаверса, фаросатсизликни кўрсатувчи белги экани ҳеч кимга сир эмас. Эшитилган жавобдан нафақат биз, сиз ҳам ажабланишингиз табиий: «СЭСда ишлаймиз, бизга мумкин! Шу киришимиз ёқмаётган бўлса, боғчани ёпиб қўйиш ҳам бизнинг қўлимизда!»

Халқимизда «Гапни гапир укканга» деган чиройли нақл бор. Ҳазрат Навоий бу ҳақда шундай дейди: «Қобилға тарбият қилмоқ зулмдур ва ноқобилға тарбият хайф. Ани адами тарбият бирла зоеъ қилма ва мунга тарбиятингни зоеъ қилма».

Соҳа фахрийларидан бири билан бу ҳақда суҳбатлашганимизда: «Болалар гавжум жойларга бошқа жойларга нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз шарт. Айниқса, соҳа ходимлари. Чунки улар касб тақозоси билан турли хавфли инфекцион ўчоқларда бўлишади. Қолаверса, бола ўйнайдиган, ўйинчоқлари турадиган жойга қайси она шу ҳолатда қадам босади. Бу тузлиғингга туфлаш билан баробар-ку!»

Қизикиш устунлик қилиб, туман ДСЭНМ бош врачига қўнғироқ қилдик. Ҳалиги бизга беписанд муносабатда бўлган аёллар ҳақиқатдан ҳам туман покизалиги, санитария талабларига мувофиқлигини назорат қилувчи шу даргоҳда ишлашар, қизиғи, улардан фақат бириси ҳамшира, бошқаси санитарка (кичик тиббиёт ходими) экан. Жамоат жойида касбий этикага, умуминсоний ахлоқ нормаларига амал қилмаган инсондан ким ҳам вазифасига сидқидилдан ёндашишни кутарди. Бу худдики болалигимизда ёдлаганимиз «Доктор Бўри» балладасини ёдга солмаяптими? Боши оғриётган қуённинг оёғини кесиб даволашдан не наф! Ўзи ибрат бўлиб, покизалик аъмолини намоён этмаган, муассасасининг вазифаси ижтимоий объектни ёпиб қўйиш эмас, назорат, амалий ёрдам бериш эканлигини тушунмаган, қолаверса, бу ишлар унинг лавозимий ваколатига кирмаслигини тушунмаган ходимдан қандай натижа кутиш мумкин? Бу, шунчаки, бизни қийнаган саволлар. Ҳолатнинг қонуний баҳосини марказ раҳбарига ҳавола этдик.

Аслида, касбий садоқатсизлик шундай ҳаволанишлардан бошланади, бизнингча. «Менга мумкин!» дея ҳамшира ёхуд санитарка шундай номаъқулчиликка йўл қўяди, шундай бемаврид ишонч билан ЙҲХ ходими светофорнинг қизил чироғида ўтади, солиқ назоратчиси ҳудудидаги тадбиркордан пулини тўламай харажат қилиб кетаверади... Бу ишлар биринчи босқич сифатида навбатдаги кўнгилсизликларга йўл очиб бераверади. Биринчи босқичнинг ўзидаёқ бу дилхираликларга барҳам бериш — ҲУШЁРлик ҳам Ватанга фидоликнинг бир кўринишидир!

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Эътироф

Тинчлигимиз кафолати

Давлатимиз раҳбари томонидан Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида тинчлигимизни асраш, армиямизни ҳар томонлама ислоҳ этиш бўйича жуда кўп ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди. Бу эса Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 26 йиллик байрамига алоҳида маъно ва мазмун бахш этди.

— Ҳеч бир муболағасиз эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда юз берган муҳим ўзгариш ва янгиланишлар ҳарбий хизмат нуфузини юқорига кўтарди, армия ва халқ яқдиллигини мустаҳкамлади, — дейди Фарғона гарнизони ҳарбий комендатура майори Ёқубжон Азаматов. — Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч ва муқаддас мажбуриятга, айни чоғда нуфузли касбга айланди.

Шу куни Фарғона шаҳри аввал кузатилмаган файзу-тароватга тўлди. Кўчалар бўйлаб саф тортиб ўтган аскар ва ҳарбийларни, ҳарбий техникалар намойишини юртдошларимиз чексиз фахру ифтихор билан кузатиб, олқишладилар. Тантанали маросим Ислом Каримов номидаги вилоят Театр-концерт саройида бошланган тадбирга уланиб кетди.

Даставвал саҳнага давлатимиз байроғи олиб кирилди. Мадҳиямиз янгради. Муҳтарам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шуҳрат Ғаниев ўқиб эшиттирди.

Муҳим сана олдидан Президентимизнинг «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» фармонининг имзолангани соҳа вакилларига кўрсатилган юксак ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатганлар сафи тобора тўлиб бораётгани янада қувонарлидир.

Давлат мукофотларини, орден ва медалларни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Павел Эргашев тантанали равишда топширди.

— Бу галги байрам мен учун унутилмас бўлиб қолади. Фаолиятим юксак давлат мукофотига лойиқ топилгани зиммамдаги масъулиятни янада оширди, — дейди ҳарбий қисм командири, «Мардлик» ордени соҳиби Азизбек Хўжаахматов. — Бу унвонни барча ҳамкасбларимга, сафдошларимга бағишлаган ишонч деб биламан.

— Президентимиз табригини тинглаб, мудофаамиз қудрати йилдан-йилга юксалаётганини, ҳарбийларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир карра ҳис этдим, — дейди «Шуҳрат» медали билан тақдирланган ҳарбий қисм взводи секция командири Аваз Камолов. — Эътирофга муносиб бўлишга астойдил интиламиз. Юртимиз тинчлигини, халқимиз осойишталигини асрашга янада ғайрат-шижоат билан ёндашамиз.

Тадбир давомида ўз хизмат вазифасини намунали адо этаётган бир гуруҳ соҳа вакиллари, турли ҳарбий кўрик-танлов ва мусобақалар ғолибларига вилоят ҳокимлигининг диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишда, хизмат вазифасини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган юртдошларимизнинг оила аъзоларига пул мукофотлари топширилди.

Эстрадамизнинг ёркин юлдузлари, вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари ва турли ансамбллар томонидан дилрабо қўшиқлар ижро этилди, ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги оҳанглар янгради.

Қутлуғ байрам Фарғона шаҳридаги «Файз» тантаналар мажмуасида — тўкин дастурхон атрофида якунига етди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Абдулҳай ЮНУСОВ

Бурчга садоқат ва рағбат

Миллий армиямиз сафида хизмат қилмоқ ҳаёт мактабидан дарс олмоқ билан баробар. Сабаби, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этаётган йигитнинг иродаси тобланиб, ён-атрофдаги ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси шаклланиб боради. Бугун, ҳарбий қисмда хизмат вазифасини бажараётган ўғлонлар юртга садоқат руҳида тарбияланиб, жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб чиниқмоқда.

Ҳарбий қисмимизда тез-тез ташкил этиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказиб турамиз. Унда ҳарбийларимизнинг оилалари иштирок этишга алоҳида эътибор қаратамиз. Мусобақа ғолиблари ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда.

Ҳар йили ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига соғликларини тиклаб олишлари учун санаторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда, ўғил-қизларнинг оромгоҳларда кўнгилли дам олишлари учун ғамхўрлик қилинаётир.

Касб байрами арафасида 36 нафар ҳарбий хизматчимизнинг янги уйларга кўчиб ўтиши чинакам байрам бўлди. Замонавий уйлардаги шароитлардан хурсанд бўлган хонадон бекаларига маиший техника воситалари тухфа этилди.

Зульфу ДУСБАНОВА,
Н-ҳарбий қисм касабақўм раиси

Эълон

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан университет талабаси Носиржонов Бобур Баходир ўғли номига берилган №1071 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ тизимидаги «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Баҳром Вафоқуловга турмуш ўртоғи
Холида МЎМИНОВАнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси бош юристконсулт Аслиддин Ҳасанбоевга падари бузруквори
Жалолиддин отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin RIXSIYEV

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Elektron nashr va AKT — 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 87100

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
U. Ibodinov
Navbatchi:
D. Oripov
Musahhih:
S. Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov
Bosishga topshirish vaqti — 01:10
Topshirildi — 01:30
1 2 3 5 6
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma A — 109.
31839 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133